



**БҮЙҮРТМАЧИ:**

**«ХУДУДГАЗ АНДИЖОН» ГТФ**

**«Худудгаз Андижон» газ таъминоти  
филиали тасарруфида бўлган  
ISUZU NQR 71PL русумли  
автотранспорт воситаларини жорий ва  
мукаммал таъмирлаш ишларини  
амалга ошириш бўйича техник хизмат  
кўрсатувчи сервис (устахона)лар  
ўртасида танлов эълон қилиш.**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Андижон шаҳри -2022

# Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

## V. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов (Шартнома)нинг охириги қиймати- 990 000 000 (Тўққиз юз тўқсон миллион) сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ҳолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “ХУДУДГАЗ АНДИЖОН” газ таъминот филиали, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили,170100 Ўзбекистон, Андижон вилояти Андижон шаҳри, Бобур шох кўчаси, 1 уй

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Худудгаз Андижон” ГТФ биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, етказиб бериш график қисми (етказиб бериш ) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.



«Худудгаз Андижон» газ таъминоти филиали тасарруфида бўлган ISUZU NQR 71PL русумли автотранспорт воситаларини жорий ва мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш хизмати бўйича

### ТЕХНИК ТОНШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
	Объект номи	«Худудгаз Андижон» газ таъминоти филиали тасарруфида бўлган ISUZU NQR 71PL русумли автотранспорт воситаларини жорий ва мукамал таъмирлаш хизмати.
	Буюртмачи	«Худудгаз Андижон» ГТФ
	Буюртма учун асос	Ишлаб чиқариш заруриятига кўра
	Объектнинг жойлашган ўрни	«Худудгаз Андижон» газ таъминоти филиали ҳамда шаҳар ва тумангаз бўлимлари.
	Қатнашувчи учун талаблар	Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага ҳамда малакали мутахассисларга эга бўлиши лозим.
	Механизмнинг техник карови	ISUZU NQR 71PL русумли махсус автотранспорт воситалари жорий ва мукамал таъмирдан чиқариш хизматини амалга ошириш
	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Кўрсатиладиган хизматлар тўла бажариб берилгандан сўнг ҳисоб-китоблар юқорида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Иш тури	Буюртма асосида корхона томонидан белгиланган вазифаларни бажариш.
Ишни бажариш муддати	Шартнома имзоланган кундан бошлаб шартномада кўрсатилган сумма тугагунга қадар амал қилади.
Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Кўрсатилган хизматлар ва ўриштирилган эҳтиёт қисмлар кафолатли бўлиши шарт.
Молияташтириш манбаи	“Худудгаз Андижон” ГТФ

Суюлтирилган газ таъминоти бўйича директор ўринбосари:

Ҳуқуқий бюро бўлим бошлиғи:

Етакчи ҳисобчи:

Иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи:

Таъминотчи:

Ижро назорати бўлими бошлиғи:

З.Қаҳҳаров.

Қ.Раҳимов.

И.Раҳимов.

Ш.Ибрагимов

Р.Темиров

Х.Ҳайтбоев.